


Музаффар ишга кирганлиги ҳақидаги буйруқ билан таништирилмади. Яна ҳам ажабланиш, меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси томонидан меҳнат ҳавфсизлиги бўйича «Кириш» суҳбатидан ўтказилмади.



Тумандаги хусусий «Электромонтаж» курилиш корхонаси бош ҳисобчиси А.Ғойибназаров ўз зиммасидаги вазифага со- вуққонлик билан қараганлиги оқибатида 3 миллион 68 минг сўмлик иш ҳақи ходим- ларга ўз вақтида тўланмаган.



Бошқилининг бу гаплари шундоқ ҳам тавбасига таяниб турган Набижоннинг сабр-қосасини тошириб юборди: «Тавба, андишасизлик ҳам шунчалик бўладими? Юзинг- кўзинг демай «эгасига топширдим», «ўз вақтида тайёр бўлади» дейди-я...»

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Одамлар қанчалар маърифатли бўлсалар, шунчалар эркиндирлар.

Вольтер

2008-йил 4-oktabr, shanba №122 (2535)

Ўзбекистон kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-gil 21-martdan chiqa boshlagan

Қишлоқдаги ислохотлар самаралари

Президентимиз Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кенг қўламли ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида 2 октябр кuni Тошкент вилоятида бўлди

Юқори Чирчиқ тумани фермер хўжалиқларининг аксарияти галлачилик ва пахтачиликка ихтисослашган. Давлатимиз раҳбари вилоятта ташрифини ана шундай хўжалиқлардан бири — Дониёр Расулов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги фаолияти билан танишишдан бошлади. Ушбу фермер хўжалиги жорий йилда 27,6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 52 центнердан галла олди. 27,5 гектар майдонда эса пахта қийғос очилган.

институтининг олимлари муайян майдонга қандай экинларни қай тартибда алмашлаб экиш мақсада мувофиқ экани, қайси экинлар ерни қуваватсизлан- тириши-ю, қайсилари тупроқ унумдор- лигини ошириши ҳақида деҳқонлари- мизга аниқ илмий-амалий тавсиялар бе- ришлари даркор.

Туманда икки хил — «Наманган-77» ва «С-65-24» гўза навлари экиб келин- моқда. Мамлакатимиз раҳбари вилоят, туман тупроқ-иклим шароитига мос янги гўза навларини яратиш ва ўзлаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

— Энг муҳими ва асосийси ерни эъозлаш, унга меҳр бериш керак, — деди Президентимиз. — Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади, дейди халқимиз. Юртбошимизнинг бундай сафарлар чоғида оддий одамлар билан учраши- ши, дилдан суҳбат қуриши яхши анва- нага айланган. Бундай учрашувлар мав- жуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан му- тасаддиларга зарур тавсия ва топши- риклар бериш имкониятини яратиши билан янада аҳамиятлидир.

Ислам Каримов фермерларнинг қишлоқ хўжалигидан қандай фойда кўраётгани, юртимиздаги янгилашлар қишлоқ аҳли ҳаёти ва тафаккурида қан- дай ақб этаётгани билан қизиқди. «Умонобод» маҳалласи раисиси Ша- рифа Салимованинг айтишича, юрти-

миздаги тинчлик-осойишталик ва бунёдкорлик муҳити, амалга оширилаёт- ган ҳаётбахш ислохотлар самаралари қишлоқчиликнинг ҳаёт тарзи юксали- ши ислоҳотида яқол намоен бўлмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудла- рида бўлгани каби ушбу маҳаллада ҳам аҳоли фаровонлиги юксалиб бор- моқда. Эҳтиёжманд оилаларга бепул чорва моллари бериш ва уларни харид қилиш учун эса банк кредитлари ажратилиш амалиёти бунда яна бир са- марали иш бўлди. Кейинги вақтда ма- ҳалланинг 12 оиласи соғин сугирли бўлди. Соғин сугир — қут-барақа ман- баи. Оилага инъом этилган чорва моли нафақат рўзгор тебратиш воси- таси, айни чоғда яхшигина даромад топиш учун ҳам имконият, демакдир.

Президентимиз оилаларга чорва мол- лари тарқатилиши қишлоқ аҳли учун қат- та кўмак бўлаётганини қайд этаркан, келгусида бу борадаги ишларни янада кенгайтириш зарурлигига эътиборни қаратди. Зеро, ушбу тадбирдан қўзлан- ган асосий мақсад ҳар бир оилادا со- гин сугир бўлишини, демакки, ҳар бир боланинг табиий сўт маҳсулотлари ис- тьомол қилиши ва шу тариха соғлом воёга етишини таъминлашдан иборат- дир.

Маълумки, жойларда ем сотадиган шохобчалар, махсус дўконлар ташкил этилган. Бу қишлоқ аҳолиси учун қулай- ликлар яратишнинг амалий бир кўри- нишидир. Ҳозирги кунда Юқори Чир- чиқ тумани ҳудудида ўн битта ана шун- дай дўкон ишлаб турибди. Мамлаката- нинг раҳбари бундай шохобчаларда кун- жара, шелуха, шрот каби чорва емла-

рининг эркин ва узлуқсиз савдосини йўлга қўйиш юзасидан мутасаддиларга зарур топ- шириклар берди.

Президентимиз Ўрта Чирчиқ тумани- даги «Аширмат Каримов» фермер хўжа- лиги далаларида деҳқонлар билан суҳ- батлашди.

— Фермерлик ҳаракати инсон манфаат- ларига хизмат қилмоқда, — деди Юртбо- шимиз. — Фермер — универсал деҳқон. Ерининг аҳоли, қилинган меҳнат, етишти- рилган ҳосил фермер ишига баҳо бериш- да асосий курсаткичлардан саналади. Биз қишлоқ хўжалигида эришаётган ютуқлари- миз асосини мана шу омилардан изла- шимиз керак.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Тош- кент вилояти қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган ҳудуд сифатида мамлаката- миз иқтисодийётида алоҳида ўрин тутши- ни таъкидлади.

Юртбошимиз Покент туманидаги «Маҳ- муд Қосимов» фермер хўжалигига ташриф буюриб, хўжалик дала шийпонида вилоят фермерлари ва фаоллари билан учраш- ди.

— Бугун мамлакатимизни раванқ топти- ришда фермерлик ҳаракатининг ўрни ва аҳамияти тобора юксалмоқда, — деди Ислам Каримов. — Фермерлар нафақат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, балки қишлоқчиликни ободонлаштириш, қишлоққа саноатни, замонавий техника ва технологияларни олиб киришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Учрашув иштирокчилари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкид- ладилар.

Ижтимоий ҳаётимиз кўзгуси



Олий мажлис сенатида

Шу йилнинг ноябр-декабр ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар- нинг маслаҳатчилари ваколат муддати тугаши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчи- лари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону- нининг 6-моддасига мувофиқ мамлакатимизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларига навбатдаги сайлов ўтказишга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. 2006 йил май- июн ойларида бўлиб ўтган аввал- ги сайлов якунларига кўра, фу- қаролар йиғинларининг 8843 нафар раиси (оқсоқоли) ва улар- нинг 84,3 минг маслаҳатчиси сайланган эди. Бу йил фуқаро- лар йиғинларининг 9067 нафар раисини (оқсоқолини) ва улар- нинг 85 мингдан ортиқ масла- ҳатчисини, шу жумладан, маҳал- ла фуқаролар йиғинининг 7476 нафар, қишлоқ фуқаролар йиғи-

нинг 1331 нафар, шахарча ва овул фуқаролар йиғинининг 160 нафар раисини сайлаш мўлжал- ланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенга- шининг шу йил 30 сентябр кuni бўлиб ўтган мажлисида фуқаро- лар йиғинлари раислари (оқсо- қоллари) ва уларнинг маслаҳат- чилари сайлови тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Муҳокама якунлари асосида аввалги сайлов тажрибасини ва қонун ҳужжатлари талабларини ҳам инобатга олган ҳолда Сенат Кенгашининг «Фуқаролар йи- гинлари раислари (оқсоқолла- ри) ва уларнинг маслаҳатчила- ри сайлови тўғрисида»ги Қаро- ри қабул қилинди, мазкур Қарорга биноан сайлов 2008 йилнинг ноябр-декабр ойлари- га мўлжалланмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг Матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди



Давлат бюджетни лойиҳаси муҳокама қилинди

Республика ҳукуматининг 2008 йил 30 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида 2009 йилга асосий макро- иқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбеки- стон Республикаси Давлат бюджетни лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан иш ҳақи ва бо- шақа тўловлар миқдорлари- ни 2010 йилгача 2,5 бара- вар ошириш юзасидан қўйилган вазифани бажа- риш мақсадида 2009 йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни лойиҳаси- да бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорлари ошишини таъ- минлаш учун зарур миқдор- да бюджет маблағлари аж- ратиш назарда тутилган.

Муҳокама натижалари бўйича Вазирлар Маҳма- си томонидан 2009 йилга макроиқтисодий кўрсаткич- лар прогнозини, солиқ ва бюджет сиёсатининг асо- сий йўналишларини, Ўзбе- кистон Республикаси Дав- лат бюджетни лойиҳасини умуман маъқуллаш ва уларни қўриб чиқиш учун, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонун- чилик палатасига юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди

Ислохотлар — тараққиёт ва фаровонлик омили

Президентимиз Ислам Каримов жойларда амалга ошири- лаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аграр соҳадаги янгилашлар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун 3 октябр кuni Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Жорий йилдаги сув тақчил- лиги билан боғлиқ қийинчилик- лар Хоразм вилоятини ҳам чет- лаб ўтмади. Шундай бўлса-да, вилоят миришкорлари, жонку- яр фермерлар сая-ҳаракати туфайли пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди.

Президентимиз Богот ту- мандаги «Богот» фермер хўжа- лигида бўлиб, дала ишлари билан танишди. Шийпонда илгор фермерлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, вилоят ва ту- ман жамоатчилиги вакиллари билан учрашди.

— Истиқбол йилларида Ва- танимиз келажакни, халқимиз- нинг бахтини ўйлаш, шу йўлда меҳнат қилиш ҳар бир юртдо- шимиз ҳаётининг маъно-мазму- нига айланди, — деди Ўзбеки- стон Қарорига, Турлан тумани- даги 5-мактаб директори Ано- ра Маҳмудова. — Янги ўқув

йили арафасида вилоятимизда битта янги мактаб қурилди, 95 мактаб қайта реконструкция қилинди. Мана шу рақамлар- нинг ўзиёқ фарзандларимиз жаҳон андозаларига мос тарзда таълим ва тарбия олиши йўлида нечоғди улкан ишлар қилинаётганидан далолат бе- риб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 8 июлда имзоланган «Болалар мусика ва санъат мак- табларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яқ- шиллаш бўйича 2009-2014 йил- ларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига биноан вилоятдаги мавжуд 15 мусика мактабларининг еттидаси тубдан қайта қурилиб, саккиз- таси эса таъмирланди.

— Болалар мусика ва санъ- ат мактабларининг моддий-тех-

ник базасини мустаҳкамлаш борасида қилаётган ишларимиз ёш авлод истиқболи йўлидаги навбатдаги муҳим қадамлари- миздандир, — деди Ислам Каримов. — Мусикани севади- ган одам эркин, инсонпарвар, бунёдкор бўлади. Хоразмлик- лар ана шундай санъатга ошфута кишилардир.

Юртбошимиз вилоятда фер- мерлик ҳаракати кенг қулоч ёйганига эътибор қаратиб, бу бо- радаги ўзгаришларнинг навбат- даги босқичи ҳақида тўхтади.

— Хоразмда ҳам фермер- лик ҳаракати қишлоқ хўжали- гининг энг мақбул ва самарали тизими сифатида ўзини намое- н ётди. Фермерлик туфайли аграр соҳанинг ночор аҳоли баҳрам толди, — деди Ислам Каримов. — Шундай экан, бу ҳаракатнинг навбатдаги муҳим босқичини амалга оширишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айрим қичик фермер хўжалик- ларини бирлаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар қиш- лоқ хўжалиги тизимида иш

юритиш маданиятини ошириш- га, фермерлар имкониятини кенгайтиришга, соҳада олиб борилаётган ислохотлар самар- адорлигини янада кучайти- ришга хизмат қилади.

Президентимизнинг вилоят фаоллари билан учрашувида ана шулар ҳақида гап борди. Айни вақтда вилоят далалари- да етиштирилган мўл пахта ҳосилини вақтида йиғиб-териб олиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Амалга оширилаётган исло- хотлар самарали бўлишида меҳнаткаш ва фидойи халқи- мизнинг келажакка ишончи, юртимиздаги тинчлик ва бар- қарорлик асосий омил бўлмоқ- да. Ана шу тинчлик-осойишта- ликни таъминлашда Куролли Кучларимизнинг ўрни катта.

Президентимизнинг ташаб- буси билан 2007 йилнинг сен- тябр ойида Урганч шаҳрида очилган Шимоли-ғарбий ҳар- бий округ қўшинларининг Сер- жантлар тайёрлаш мактабида жанговар тайёргарлик, компю-

тер технологиялари, гуманитар фанлар ва хорижий тиллар бўйича сабоқ берилади.

Утган йили давлатимиз раҳ- бари бу ерда бўлиб, курсант- лар учун етарлича шарт-шароит яратиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берган эди.

Президентимиз Сержантлар тайёрлаш мактаби фаолиятини янада такомиллаштириш, кур- сантлар ва офицерларнинг яшаш ҳамда хизмат қилиши учун яратилган шароитни мут- тасил яхшилаб бориш юзаси- дан мутасадди раҳбарларга те- гишли кўрсатма ва тавсиялар берди.

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохот- лар халқимиз фаровонлигини ошириш ва Ватанимиз нуфузини янада юксалтиришга қара- тилган. Бугунги кунда бундай янгилашлар самараларидан бутун халқимиз, жумладан, Хо- разм аҳли ҳам баҳраманд бўла- ётгани қувонarliдир.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди

Олтин куз неъматлари

Олтин кузнинг сарин еллари эсиб турган барокатли кунларда сабзавот ва поллиз пай- калларига кирганмисиз? Эрта тонгда ажиб бир ҳид таратаётган, кип-қизариб пишган помидорлар эътиборингизни тортаяди.



Шаҳрисабз помидори

Шаҳрисабз табиий иқлим шароити мўътадиллиги, унумдор тупроғи, салқин ҳавоси билан деҳқончилик учун қулай. Қашқадарё воҳасида етиштирилаётган помидор- нинг саксон фоизи ушбу туман даладаридан олинади.

(Давоми 4-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бош- қариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси ҳамда «Фу- қаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати 2008 йил ноябр-декабр ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қилади:

1. Қоракалпоғистон Республикаси Жўр- ги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши 2008 йил ноябр-де- кабр ойларида фуқаролар йиғинлари раис-

лари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчи- лари сайлови ташкил этилиши ҳамда ўткази- лишини таъминласин.

(Давоми 2-бетда)

БИЛАЙЛИК, УНИ ХИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Донғарб тавғуда сўхбат

Маош нега кечикди?

Ҳеч ким текинга ишламайди. Бинобарин, ойлик маош турмуш фаровонлигини таъминловчи воситадир. Афсуски, Ховос туманидаги қатор ташкилотларда буни унутиб қўйишганга ўхшайди.

Мазкур долзарб масала юзасидан туман прокуратураси билан боғланиб, бунинг сабабини суриштирдик. Прокурор ёрдмачиси Хуршид БОБОЕВ юзага келган аҳволни куйидагича изоҳлади:

— Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил ноябрдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлинишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан тумандаги корхона ва ташкилотларда иш ҳақининг тўлиниши атрофида таҳлил этилди.

Натижа эса мақтанадиган даражада эмас экан. 2008 йилнинг 1 август

ҳолатига кўра, 24 та ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақидан 432 миллион 247 минг 600 сўм қарздорлиги аниқланди. Прокуратура аралашуви ва кўлланилган чоралар натижасида 21 августга иш ҳақидан қарздорлик миқдори 115 миллион 16 минг сўмга камайтирилди.

Ҳодимлар иш ҳақини тўлашда қарздорликнинг асосий қисми «Ховосдон» ҳиссасдорлик жамияти ҳамда Мехнатобод ва Ховос машина-трактор саройига тўғри келмоқда.

Тумандаги хусусий «Электромонтаж» курилиш корхонаси бош ҳисобчиси А.Ғойибназаров ўз зиммасидаги вазифага совуққонлик билан қараганлиги оқибатида 3 миллион 68 минг сўмлик иш ҳақи ходимларга ўз вақтида тўланмаган. Шунингдек, туман архиви бошлиғи К.Намозов ва бош ҳисобчи У.Ақбаровлар томонидан ҳам кўпол равишда қонун бузилишига йўл қўйилган. Бошқача айтганда, архив бўйича жами 2 миллион 55 минг сўм миқдоридagi иш ҳақи берилмаган.

Бундай кўнгилсиз ҳолатлар «Нодира» масъулияти чекланган жамия-

ти, «Ховос темирйўлсавдо» МЧЖ, «Хайрулло Ойбек» хусусий корхонасида ҳам учрайди.

«Гулбахор» кишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежида ўтказилган текширишда мазкур ўқув маскани раҳбари Б.Уролов 2007 йил давомида рағбатлантириш



жамгарма-си ҳисобидан жами 491 минг 859 сўмни ўзлаштириб юбориб, давлат маблағларини талон-тоғул қилганлиги аниқланди. Ҳозирги пайтда ушбу иш жиноят ишлари бўйича туман судига оширилди.

Иш берувчилар бир ҳақиқатни ҳеч қачон фаромуш этмасликлари лозим: тер тўкиб ишлаган ишчи 8ки ходимнинг маошини кечиктиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Пиримқул ДўСТМАМатов, «Ishonch» мухбири

Адолат мезони

Мамараим Урмонов фермер бўлишга аҳд қилди. Шу ниятда Ховос тумани «Фарход» ФХХУдан ер олиб, «Ховослик Олғирбой» фермер ҳўжалигини ташкил этди. Мавжуд қонун-қоидаларга амал қилиб, туман ҳокимлиги билан ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш тўғрисида шартнома тўзди.

Ноқонуний қарорлар бекор қилинди

Барча ҳужжатларда фермер ҳўжалиги раиси Мамараим Урмонов эканлиги қайд этилди. Орадан кўп ўтмай, туман ҳокимлигига фермер ҳўжалиги раҳбарининг укаси Мамадиёр Урмонов томонидан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида ариза тушди. Ушбу ариза асосида туман ҳокимининг 2007 йил 9 ноябрдаги 534-сонли қарори билан шартнома бекор қилинган ва фермер ҳўжалиги фаолияти тугатилган. Худди шундай ҳолатга Бобвут туманида ҳам йўл қўйилди. Туман ҳокимлиги «Низомиддин Илбс» фермер ҳўжалигининг раҳбари И.Эгамбердиев ўрнига, ҳўжаликнинг иш юритувчиси Ф.Сувоновдан ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризини олганлар. Унга асосан туман ҳокимининг 2007 йил 17 ноябрдаги 873-сонли қарори билан ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномаси бекор қилиниб, фермер ҳўжалиги фаолиятига нуқта қўйилди. Фермерлар ўз ҳуқуқларини тиклаш мақсадида вилоят ҳўжалик судига мурожаат этдилар. Суд томонидан уларнинг талаблари ўрганиб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунда барча ҳўжатларга биринчи имзо фермер ҳўжалиги бошлиғи томонидан қўйилиши, бундай ҳўжатлар қонуний эканлиги алоҳида қайд этилган. Жумладан, туман ҳокими номига берилган ариза, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси, ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрли ваз кечичи каби масалалар фақат фермер ҳўжалиги раҳбарининг вазолатига кирди. Аммо юқорида қайд этилганидек, айрим мактабда шахслар томонидан мавжуд қонун-қоида талаблари кўпол равишда бузилмоқда. Виловат ҳўжалик суди томонидан кишлоқ мулкдорларининг қонуний ҳуқуқи тикланди. Туман ҳокимларининг ноқонуний қарорлари ҳақиқий эмас деб топилиб, бекор қилинди.

Анорбой НОРКУЛОВ

Қилмиш-қидирмиш



Бозорбой Умаров баднафслиги тўфайли мисқоллаб орттира бошлаган обрўсига путур етказиб қўйди. У 2006 йилнинг бошларида жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди томонидан судланиб, ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилганди.

Обрўнинг бозори бўлмас

Орадан бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтиб, Навоий вилоят прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан тергов қилинган жиноят иши юзасидан ҳам айбли топилди. Амнистия актига асосан жиноят иши қаратдан тўхтатилган бўлса-да, Б.Умаров бундан хулоса чиқармасдан яна жиноятга қўл урди. Чунончи, у Кармана тумани «Дўрмон сувизар» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси вазифасида ишлаш туриб ўз назоратида бўлган мол-мулкни бошқаларга бериш, сотиш, ижарага топшириш ҳуқуқига эга эмаслигини билса-да, нафсини тия олмади. «Навоийкораметалл» МЧЖ билан 20 млн. сўмлик темир қувур етказиб бериш ҳақида сохта шартнома тўзди. Унга асосан олдиндан тўлов сифатида 2007 йил 6 июнда 6 млн. сўм нақд пул олишга ҳамда 5 млн. сўмни уюшма ҳисоб рақамига туширишга муваффақ бўлди. Сўнгра «Дўрмон сувизар» СФУ балансидаги фойдаланилмай турган металл қувурларни сотиш тўғрисида ноқонуний буйруқ чиқарди. Шу йўл билан 4580 погонметр қувурни жойидан қазиб олиб, шундан 1533 метрлик, яъни 12 млн. 132 минг 116 сўмлик қувурларни тергов жараёнида қилмигини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга нақд пулга сотиб юборди. Пулни эса уюшма ҳисобига қирим қилмасдан ўз фойдасига сарфлаб юборган. «Навоийкораметалл» МЧЖ маъмурияти бу пулни қандай ундириш йўлини тополмай оворан сарсон.

Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Б.Умаров жиноят ишлари бўйича Кармана туман суди томонидан айбли деб топилиб, 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинди.

Хушнур МАКСУДСВ, Навоий вилоят прокуратураси катта терговчиси

Қасаба уюшмаси аралашуви билан...

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашига келиб турадиган мактубларда юзага келган муаммолар ечимини топишда ёрдмачи сўралади. Қарши шаҳридаги 42-мактаб директори Тансиқ Маматова томонидан кенгаш раиси номига ёзилган аризада ҳам ҳақиқат тикланиши йўлида кўмак сўралган эди: «...Уттиз йилдан бери халқ таълими тизимида бенуксон ишлаб келганман. Етти йилдан буён катта жамоага раҳбарлик қилиб келаяпман. 2008 йилнинг 3 март кунини шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг тазйиқи билан ишдан бўшашига мажбур бўлдим...».

— Мурожаатномани синчиклаб ўрганиб чиқинг, — деди кенгаш раиси Шодмон Қўбаев ҳуқуқшунос Нибё Пардаевни хузурига чақириб. — Ҳақиқат қарор топиши керак.

Қонун халқ манфаатларига хизмат қилади. Тармоқ кенгаши томонидан «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддаси ва Мехнат кодексининг 8-, 9-, 111-, 112-, 273- ва 275-моддаларига асосан ходимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш бўйича вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Т.Саидов номига тақдимнома киритилди.

Халқ таълими бошқармаси раҳбариятининг 2008 йил 3 мартдаги 13-К буйруғини чиқаришда мекхнат қонунчилиги талаблари бузилган: даставвал, ходим билан мекхнат шартномасини бекор қилишда МКнинг 99-моддасида кўрсатилган икки ҳафталик огоҳлантириш мuddатига риоя этилмаган. Маъмурият МКнинг 97-моддасидаги мекхнат шартномасини бекор қилиш асосларини четлаб ўтиб, шомашошарлик билан буйруқ чиқарган. Ҳолбуки, қонунчиликда: «мекхнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосланган бўлиши шарт» дейилади. Айни пайтда, Мекхнат кодек-

сининг 100-моддаси 2-қисми 7-банди талаблари кўпол равишда бузилиб, ходим мекхнатга лаёқатсизлик даврида

ролар йиғини фаоллари билан ҳамкорликда теварак-атрофни ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда.

Шундай, тармоқ кенгашига тушган ҳар бир мактубда кўтарилган муаммолар ҳуқуқшунос Н.Пардаев, раис Ш.Қўбаев ва бошқа ходимлар томонидан синчиклаб ўрганилди. Масалан, «Чироқчи туманидаги 167-мактабнинг ўқитувчилари Абдурахмон Жуманазаров ва Абдухалил Нурдаевнинг 2008 йил 12 майда ноҳақ ишдан бўшатилганликлари тўғрисидаги аризалари бўйича ҳам текшириш ўтказилиб, буйруқлар мактабнинг собиқ раҳбари томонидан ички мекхнат тартиби ва жамоа шартномаси талабларига риоя қилинмасдан чиқарилганлиги аниқланди. Ҳар иккала ходим билан мекхнат шартномасини бекор қилишда уларнинг ўз кўли олдидан огоҳлантириш ёки шунга муносиб равишда компенсация тўлаш тўғрисида МКнинг 102-моддаси 7-банди талаблари бузилган. Ишдан бўшатилганлар буйруқлар билан таништирилмаган.

Натижада, ноқонуний ҳақиқат-ҳаракатларга йўл қўйган раҳбар ишдан озод этилди. Янги директор Б.Шерматовнинг 2008 йил 11 июлдаги 8-буйруғи билан А.Нурдаев ва А.Жуманазаров ўз вазифасига тикланди.

Қасаба ўрми аралашуви билан 68-мактабнинг ўқитувчиси Сайёра Мустафоева ишга тикланди. Қарши шаҳридаги 24-мактабдан Хулқар Хасанова, Мухаббат Холмуродова, 43-мактабдан Шозода Раҳматованинг нафақа пуллари ундириб берилди.

Исзат ҲИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

АЖАЛ ФУРУШ

Аёлла

Мади. Шу тариқа нафс қулига айланади. Топган даромади камлик қилиб, савдо доирасини янада кенгайтиришга уринди. Акиси, жиянлари, ўғил-қизлари-ю келини, қудаси, кимки ундан кўмак сўраса, жиноятга жалб қилаверди.

Х.Қурбонова 2005 йили қилмишлари учун

STOP

АЖАЛ ФУРУШ

Аёлла

Мади. Шу тариқа нафс қулига айланади. Топган даромади камлик қилиб, савдо доирасини янада кенгайтиришга уринди. Акиси, жиянлари, ўғил-қизлари-ю келини, қудаси, кимки ундан кўмак сўраса, жиноятга жалб қилаверди.

Х.Қурбонова 2005 йили қилмишлари учун

Махаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» мухбири

Олам ва Одам

Нобел мукофоти кимларга берилади?

Халқаро майдонда тинчликни сақлашга қўйган улкан ҳиссаси учун бериладиган Нобел мукофотида асосий номзодлардан бири сифатида чечен адвокати Лидия Юсупова тилга олинмоқда. У асосан Чеченистонда инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ишларни кўришда қатнашади.




Ушбу нуфузли мукофотни олиш борасида унинг рақобатчиси хитойлик дисидент Ху Чэя, Хитойдаги демократик ҳаракат фаоли Вэй Цзиншэн, ушбу мамлакат мезонлари бўйича кам сонли халқ бўлиши уйғурларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи Робия Қодир бўлиши мумкин.

Нобел тинчлик мукофотининг лауреатлари номи 10 октябр кунини Ослодаги Нобел институтида маълум қилинади. 6-санада физиология ва тиббиёт, 7-санада физика, 8-санада химия ва 13 октябрда иқтисодийёт соҳасида Нобел мукофотида сазовор бўлганлар номи ошқор этилади. Адабиёт соҳасида лауреатлар номи қачон эълон қилиниши ҳозирча номаълум.

Войцех Ярузелский айбини тан олмади

Шу йилнинг 12 сентябр кунини Полшанинг собиқ президенти Войцех Ярузелский устидан суд жараёни бошланган эди. АҒР агентлигининг хабар беришича, у 1981 йили мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий қилинишида ўзини айбдор деб билмаслигини маълум қилган.



Ярузелскийнинг гапларига қараганда, у ўша пайти мамлакат миқёсидаги халокатнинг олдини олиш учун шундай йўл туттишга мажбур бўлган.

«Мен ўзимни мусицаи беозор қилиб кўрсатмоқчи эмасман, мамлакатда амалга оширилган барча яхши-ёмон ишлар учун тўлиқ жавобгарман, — деди у. — Аммо фаолиятимга баҳо беришда тарихий шароитни ҳам ҳисобга олиш керак».

1980-йилларда Полшада «Солидарносч» қасаба уюшмаси коммунистик режимга қарши чиққан, унга қарши кураш доирасида 1981 йил декабрдан 1983 йилнинг июлигача ҳарбий ҳолат жорий этилган эди. Ушунда муҳолифатнинг тўқсондан зиёд фаоли ўлдирилган.

Француз жамоатчилигининг фикрича...

Буюкбританиянинг «Guardian» газетасининг пайшанба кунини сонида ёзилишича, Франция президенти Никола Саркози француз босма оммавий ахборот воситалари вакиллари билан уларни инқироздан олиб чиқилиш масаласи бўйича маслаҳатлашиб бўлади.




«Guardian»нинг қайд этишича, Францияда газетачилик бизнеси Европадаги энг зарар кўриб ишлайдиган соҳалардан биридир. Газеталарнинг қуллик умумий тиражи атиги 8 млн. нусхани ташкил этади. Таққослаш учун шунини айтиш керакки, бу рақам Буюкбританияда 16, Германияда 24 млн.га тенг. 2000 йили француз газеталарининг айланма маблағи 1 трлн. 145 млрд. евро, 2007 йили эса 848 млрд. евро ташкил қилган.

Инқирозга кўлгина омилар қатори журналистларнинг ўзлари ҳам сабаби. Жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўроға кўра респондентларнинг 57 фоизи француз журналистларини мустақил эмас деб ҳисоблайди. Мамлакатда амалдорларнинг олдиндан келишиб олинган масалалар бўйича интервью бериши одатга айланган.

Ўғри анойими?


Яқинда Буюкбританиянинг М15 разведка хизмати ходимининг уйдан компютерини ўғирлаб кетиши. «BBC news»нинг хабар беришича, унинг хотира-сида терроризмга қарши курашга тааллуқли маълумотлар бўлган.



Полициячилар ўғри разведкачининг уйига ўғирликка тушганини билмаган, компютерда қандай маълумотлар борлигини ҳаёлига ҳам келтирмаган деб ҳисобламоқда. Бундан ташқари, уларнинг айтишига қараганда, компютердаги файллар шифрланган бўлиб, ўғри қанча уринмасин, ундаги маълумотларни ололмади. Ҳозирча ўғри топилгани йўқ.

Қуёшнинг ўрта сири аниқланди


NASA астрономларининг аниқлашича, Қуёшнинг шақли унинг фаолиятига қараб ўзгарар экан. Тадқиқот учун оливлар RHESSI орбитал телескопи маълумотларидан фойдаланилди. Бу аппарат Қуёшнинг ўртани учун 2002 йили орбитага чиқарилган.



Ундан олинган маълумотларга кўра, Қуёш сатҳида ёрқин пуфаклар мавжуд бўлиб, уларнинг диаметри 20-30 минг километрга тенг. Қуёш активлиги даврида улар юлдузнинг экваторида тўпланади, шу тариқа Қуёшнинг экваториал радиуси озгина катталашади. Олимларнинг айтишича, бу ўзгариш одам сочи қалинлигига бир ярим километрдан қараганда катталаска тенг экан.

Шу озгина ўзгариш ҳам Қуёшнинг гравитацион майдонига таъсир қилади.

Интернет хабарлари асосида Жаҳдатбек Шавкат ўғли тайёрлади



Шахрисабз помидори

— Туманда 70 минг тонна сабзавот етиштирилса, шунинг 60 минг тоннасини помидор ташкил этади, — дейди Фузур ака. — Шахрисабз помидори сувли, мағизли, айна пайда жуда мазали, сервитамин. Шунинг учун ҳам одамлар иштаха билан тановул қилишади.

Касабақум райси ҳамроҳлигида «Бобоев Авлиёкул Қодирович», «Бобоёрова Мадина Хайруллаевна», «Аловуддин Шамсиддин ўғли» каби фермер хўжаликлари иши билан танишганимизда, ҳақиқатан ҳам помидордан юқори ҳосил етиштирилганининг гувоҳи бўлдим.

Ялли ҳосилнинг 22400 тоннаси томат пастаси тайёрлаш учун «Шахрисабзконсерва» акциядорлик жамиятига етказиб берилди. Бу йил 15400 тонна томат тайёрлаш режалаштирилган. Жорий йилда 6,2 миллион долларлик маҳсулот хорижа экспорт қилинди.

Фермерлар билан сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш учун 640 миллион сўмлик контрактация шарҳномалари тузилган. Россия ва Бе-

лорусдаги корхоналарга 2 миллион АҚШ доллари миқдорда томат пастаси, мева консерваси, олма, узум суви жўнатилади. Жамият райси Алишер Манноновнинг таъкидлашича, тайёр маҳсулот узоқ сақланганидан махсус идишларда қадоқланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

«Шахрисабзгромаҳсулот» агрофирмасида ҳам иш қизғин. Корхонада сабзавот ва мевани қадоқлайдиган янги технология фойдаланишига топширилди. Бу ерда йил охирига қадар 4 минг тонна помидор, 500 тонна хўл мева қайта ишланади. Қадоқлаш цехи оператори Наргиза Фафурова ва ҳамкасбларининг қўли-қўлига тегмайди.

Ишчилар учун ҳамма қўлайликлар яратиб берилган. Меҳнатга муносиб ҳақ тўланади, бепул тушлик, ишга қатнаш учун транспорт ажратилган.

Хуллас, Қашқадарё вилоятида 14 та корхона пишиқ етилган ҳосилни пешма-пеш қайта ишламоқда.

Иzzат ХИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Белбоғли кураш усталари

Наманган вилоятида Маллабоевларни яхши танишди. Сулопадан тўй ва томошаларни киздирилган аjoyиб санъаткорлар, хунарманлар етишиб чиққан. Яқинда Наманган шаҳрида ўтказилган катта кураш сайлида ҳам Аҳмадjon Маллабоев бир неча полвоннинг курагини ерга теккизиб, кўпчилик олқишини қозонди.

— Мен шу полвонни олдин ҳам қаердадир кўрган-дайман. Юзи жуда таниш, — дедим беллашувни ёнма-ён томоша қилиб ўтирган шеригимга.

— Ахир бу одам ҳамкасбимиз-ку! — вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасидан томошага бирга келган шеригим менга танбех берди. — Уйчи пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси райси бўлиб ишлайди.

Тўғриси, касабақум райсининг кураши полвон эканлиги хаёлимга келмабди.

— Аҳмадjon ака донг чикарган кураши полвонлардан, — шеригим менга эслатди. — Йигирма-ўттиз йил аввалда туман, кейинчалик вилоят шарафини ҳимоя қилиб донг чикарди. Кейинчалик ёши сак ўтиброк қолганлиги учунни ёки саломатлиги панд бердини, беллашувларда кўринмай қўйганди. Барибир, ёшлиқда

Елкаси ерга тегмаган



берган кўнгил қўймади шекли, курашга қайтди. Уйчилик танишим: «Аҳмадjon Маллабоев кексайганда белбоғни қайтадан боғлади, сайларда

ва тўйларда ўртага чиқяпти», деган эди, демек, рост экан... Орадан бир неча кун ўтиб Аҳмадjon Маллабоев билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида учрашди колдик. Мен полвон акамизга истиқлол байрами кунлари уни кураш майдонида кўрганлигимни, галабалардан

дан белга белбоғни боғладим. Шуғулланишни бошладим. Бултур Чустада бўлиб ўтган республика мусобақасида ҳатто голиб бўлдим. Шу йилнинг 9-11 август кунлари қўшни Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида фахрий спорт усталари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 75 кг.гача вазнда биринчи ўрин ва олтин медал билан тақдирландим.

Дарҳақиқат, унинг бу муваффақиятга эришиши осон бўлмагани ўшанди. Финалга етиб келгунча беш нафар полвонга рўбарў келди. Финалда Андижон вилояти Олтинқўл туман донгдор полвон мжон Акбаров билан элишди. Андижонлик полвон унга нисбатан жусаси кичик бўлса-да, леким маҳоратли эди.

— Спортнинг инсонга келтирадиган фойдасини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди, — дейди фахрий курашчи мулоқотимиз сўнгида. — У кишини ёштиради, ҳаётга нисбатан қизиқишини орттиради. Мен бир гуруҳ ёшларга белбоғли кураш бўйича тажрибаларини ургатялман. Мақсадим, авлодларимиздан дунёга донг таратган курашчилар етишиб чиқсин!

Обидjon ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

Набижон соатиға қаради - иш кунни ҳам охирлаб қолибди. Узина сархисоб қилиб кўрди: бугунча шошилинч ёзув-чизувлари қолмабди. Иш столи устидаги қогозларни тартибга келтирди. Одатига кўра бошлиғининг кабинетига кириб уйга кетиш учун қисиниб-қимтиниб рўхсат сўради:

— Кечирасиз... эртага дам олиш кунди. Деворийн кўшимни ўғлини уйлантираёттилар. Қўшинчилик — чиқиб қарашсам...

— Албатта, албатта, ёрдамлашши, қўшинининг тўйида қатнашиш керак. Ахир қиёмат кунни қўшидан, деганлар-ку. Бемалол кетаверинг. Биронта шошилинч иш чиқиб қолса хабарлашармиз.

— Набижон эртасига барвақт туриб тўйхонага чиқди. «Тўй муборак бўлсин», деб қўшиси билан эндигина хол-ахвол сўрашаётганда ўғилчаси, сизни телефонда ишонангиздан йўқлашпти, деган хабарни етказди.

Телефонда бошлиғининг ўзи экан: — Набижон ука, узр, бирров келиб-кетмасангиз бўлмайди, юқоридан шошилинч топшириқ бўлиб қолди.

Набижон «Начора, хизматчилик, иложи борича тезроқ қайтишга ҳаракат қиламан», дея йўлга отланди. Хотини ҳар сафаргидек орқасидан жавраганча қолди: «Э, ишингиз ҳам бор бўлсин. Ахир қачон сиз ҳам одамларга ўхшаб дам оласиз? Ҳеч бўлмаса ҳордиқ кунни бола-чақангиз олдида бўлмасангиз? Маҳалла-қўйга-ку батамом аралашмай қўйдингиз. Қўшининг тўйини ташлаб кетсангиз уят бўлмай-дими?»

Набижон йўл-йўлақай хаёли суриб кетди: ха, хотини ҳақ. Шу бошқармага ишга ўтибдики, на тўй-хашамга вақтида бора олади, на дам олиш кунининг таъини бор. Устига-устак хотинининг юқоридаги каби таъна-дашномалари суяк-суягидан ўтиб кетади. «Эх, хотин, ҳаммасига айбдор мен эмас, мана шу яшаб турган уйимиз», деб бор ҳақиқатни айтишга эса гурурга йўл қўймайди. Қолаверса, ҳеч нарсга мўжоз бўлмай, дангилмама ҳовлида эмин-эркин ўсиб-ўлғайган хотини унинг андишасини осонгина тушунишига кўзи етмайди...

...Болалик чоғидан Набижоннинг қўлидан қалам-қоғоз тушмайди. Мактабдагидай ёзув-чизувга анча қўли келиб қолганди. Газеталарда мақоалари тез-тез чиқиб турарди. Охириқибат шу соҳа ўқишини тутганди. Уч-тўрт йил нашриётда ишлаган уйланди. Оилалари катта - мўъжазгина ҳовли торлик қилиб қолди. Ҳарбий хизматдан қайтганга икки йилдан ошган укасини уйлантиришлари керак. Ундан кейинги укалари ҳам улғайиб қолишди. Заводда чилангар бўлиб ишлайдиган отаси эса аламини дардманд хотинидан олишини билди: «Эх, онаси, биронта чоғроқ бўлса-да уй сотиб олай десам қўлим қисқалиқ қилса, топган-тутганин рўзгордан ортмаса. Наби-

жонинг ёзув-чизувдан бошқасини билмас. Одамларнинг боласидек савдосотиққа ҳам ёпишмади бўйинг. Кейинги дўхтир бўлман деб ўқишдан бери келмасам...

Бундай келларда онаси: «Майли, қўяверинг, отаси, охир болаларингиз ҳам ўзингизга тортган-да. Ўзингиз уларга, «тўғри юриб, тўғри туринглар - беҳавотир яшайсизлар. Бир бурдан нонингизни ҳам ҳалол меҳнат билан топинглар. Миннатли ошдан ёвоғон яхши», деб ўргатгансиз-ку. Худо хоҳласа, икки-уч йилда ҳаммаси ўрнига тушиб кетади» деб эрига таскин беради.

Набижон, ижарага бўлса ҳам бирорта уй топаман, деб юрган кунларнинг бирида эски таниши - Шерзодни учратиб қолди. Шерзод Набижон билан институтда бир йилча бирга ўқиган, «адашиб қирган эканман» - мендан баириб ёзувчи чиқмайди», деб ҳарбий хизматга жўнаворган эди. Хозир катта бир бошқармада шофёр бўлиб ишлар, кимсан бошлиқни олиб юрар экан.

Набижоннинг ахволидан воқиф бўлган, у ўзи ҳам уйни шу бошқарма-

шириқлар ҳам бера бошлади. Набижон тайёрлайдиган ҳар хил ҳисоботлар, маълумотномалар, маърузалар, табриқнома-лар, буйруқлар, хат-хабарлар ёнига бошлиқнинг «шахсий илтимосча»лари ҳам қўшилди. Бора-бора бундай «илтимосча»лар баҳор ёмғиридан кейинги қўзиқориндек қўпайиб кетди. Набижон уларни бажарман деб ишонмасида ярим тунгача қолиб кетар, қачон дам олиш кунни эканлигини ҳам, охири марта қачон меҳнат таътили олганини ҳам эслолмасди. Бошлиқнинг таниш-билишларига, қариндош-уруғларига тегишли «илтимосча»ларнинг эса охири кўринмасди. Набижон уларни бажаришни рад қилай деса, бошлиқ ҳар гал у билан ҳол-ахвол сўрашаётганда атайлаб «уй-жойлар қалай?» деб шаъма қилиб қўйишни қанда қилмасди.

...Набижон шу хаёллар билан бошқармага етиб келганда бошлиқ кабинетда бир неча нотаниш кишилар кўринки кайфиятда чакчақлашиб ўтиришганди. У сўхбат тугашини кутиб қабулхонадаги қатор ўриндиқлардан бирига оҳиста ўтирди. Ярим очик эшиқдан меҳ-

жонни киш чилласидаги совуқдек жунжитириб юборди. «Нима қилсам экан? Қачонгача бундай қуруқ саватларга елпатақлик қиламан? Ахир ҳамма нарсангиз ҳам чегараси бўлиши керак-ку?! Йўқ-бу ахволга чек қўйишим керак...»

Набижоннинг хаёли бўлинди — ичкардан алмойи-жалмоғи папкаларини қўлгагида кистириб олган олифита сўхбатдошлар чиқиб келишаётганди. Улар қабулхона бурчагида дарсдан кеч қол-

ганлар. Ўғилчамиз бир неча хорижий тилини сув қилиб ичиб юборган. Бироқ ўзимизнинг тилга келганда бирозгина оқсайдиган жойлари бор. Хуллас, на-вбатдаги рисоласини бир ҳафтадан кейин нашриётга топширишди. Шунинг топширишдан олдин ўзингиз қўлбола қилиб силлиқлаб берасиз-да, ука...

Бошлиқ унинг олдида иккита семиз-семиз папкани суриб қўйди. Шу пайт телефон жиринглади. Бошлиқ, юқоридан бўлса керак, деб ўзига ярашмаган шошалоқлик билан телефон гўшагини кўтарди:

Э, ха, сизмисиз, тойчоқ. Ха, ха, топширингиз бажарилди ҳисоб. Мана хозиргина эгасига топширдим. Худо хоҳласа, айтган муддатингизда «гато» бўлади.

Бошлиқнинг бу гаплари шундоқ ҳам тавбасига таяниб турган Набижоннинг сабр-қосасини тошириб юборди: «Тавба, андишасизил ҳам шунчаллик бўладими? Юзингизнинг демай эгасига топширдим». «Ўз вақтида тайёр бўлади» дейди-я...

Бошлиқ «тойчоғи» билан гаплашиб бўлган Набижон қабулхонада ўйлаб қўйган гапларини унга айтмоқчи бўлиб эндигина оғиз жуфтлаганда яна телефон жиринглаб қолди. Бошлиқ телефон гўшагига ёпишди. Набижон эса стол устидан турган навбатдаги «илтимосча»ларни олайми-олмайми деб икки ўз орасида кийналарди. Пешанасини муздек тер босди. Даструмолини олмоқчи бўлиб чўнтагига қўл суқди. Қўлга даструмом ўрнига уйининг қалити илindi. Ари қаққандек бирдан сесканиб тушди. Хаёлида «уй-жойлар қалай», «қалит», «уй муборак бўлсин», «илтимосча», «миннатли ош» каби сўзлар гирдоб бўлиб айлана бошлади. Торгина ховлилари, укалари кўз олдида келди, юрагида санжик бошқиб бўлди, нафаси бўзига тикилиб бошлиққа айтмоқчи бўлган гаплари ичидан қолди...

Набижон «илтимосча»ларни қўлтига қисиб, букчайган қўйи, беихтиёр ўнг қўлини кўксига қўйди, телефонда гаплашаётган бошлиғи билан имо-ишора қилиб хайрлашди-да иш кабинетига йўл олди.

Бошлиқ эса айланма креслода у ёқдан-бу ёққа тебринаб, оғзининг танаби қочиб, кеча бирлашма йиғилишидаги «сермазмон маърузаси» учун навбатдаги табриқларни телефонда қабул қилишда давом этарди...

Юсуф МУКИМБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Сп Орт Оламида

Галаба муборак!

Яқинда Франциянинг Хаут-Марине шаҳрида ёзги биатлон бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Анузар Юнусов жаҳон чемпиони!

Унда дунёнинг мазкур спорт тури ривожланган 26 та давлатидан, жумладан, АҚШ, Канада, Италия, Франция, Греция, Венгрия, Босния-Герцеговина, Россия, Белорус, Словакия, Словения, Украина, Латвия, Литва, Эстония каби мамлакатлар терма жамоалари голиблик учун баҳс олиб боришди.

Хозирга қадар ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати «сптн ва кумуш медалларига эришган ҳамюртимиз, Осиёнинг мулоқотчилари, жорий йилдаги кўпма-кўп мусобақасида унга олтин медалга эришган Руслан Носиров илк бор катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида омадини синиб кўрди ва бронза медални соҳиби бўлди.

«Спринт» ва «вазот» баҳрларида барча рақибларини ортда қолдирган Анузар Юнусов эса ҳар иккала «старта» олтин медал-

ларга эришди ва икки карра жаҳон чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. Шунингдек, спортчиларимиз бўйиш йези-чи бор роллерли биатлонда ҳам омадларини синиб кўришди.

— Роллерли биатлонда илҳорқ элтидан мақсадимиз, — дейди Ўзбекистон тевник ва амалий спорт турлари маркази бош директори Шарифjon Муъминjonов, — спортчиларимизнинг маҳоратини ошириб бориш ва 2010 йил ўтадиган қишқи Олимпиада баҳсларига йўлланма-ни қўлга киритиш.

Олис Францияда Ватанимиз байроғи баланд хилпирати, мадҳиямиз янгради. Бутун дунё бизни муваффақият билан қутлади. Бу хали ҳаммаси эмас. Спортчиларимиз бугун Қирғизистонга, Осиё очик чемпионатида жўнаб кетишди. Биз улардан навбатдаги зафарларни кутиб қоламиз.



Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Кураш

Бу йил Кураш халқаро Ассоциациясининг 10 йиллиги муносабати билан дунёнинг турли бурчақларида мусобақалар ташкил этилмоқда.

Ўзбекининг қодир полвонлари

Ана шундай халқаро турнирларнинг бири Украинанинг Еватория шаҳрида бўлиб ўтди. Унга яқин давлатдан ташириб буюрган курашчилар сафига Ўзбекистон терма жамоамиз полвонлари ҳам бор эди. Вакилларимиздан Маматқўлиjon Жумаев (66 кг), Исқандар Хайдаров (81 кг) олтин, истеъдодли курашчи Зафар Йўлдошев (73 кг) кумуш, Исроимиддин Хайдаров (66 кг) эса бронза медалига сазовор бўлди.

— Олинда, 12-17 ноябр кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида ёшлар ўртасида ўтадиган бешинчи жаҳон чемпионати турибди, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси устози Мурод Дўсимбетов. — Мураббийлар Омон Тоймуродов, Олимжон Хайитов, Азамат Бойқўлов билан биргаликда курашчиларимизни мазкур чемпионатга тайёрлаётимиз. 20 октябрдан 5 ноябргача МХСК спорт мажмуасида сўнгги ўқув-машғулот йиғинини ўтказиб, Туркияда гиламга чиқадиган полвонларимизни саралаб оламиз. Мақсадимиз — жаҳон чемпионатида Ўзбек курашчининг энг чиройли усулларини намойиш этиб, бутун дунё ахлининг олқишини олиш!

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Сўртмоқ

(Ҳикоя)

монларидан бирининг гапи қулоғига чалинди:

— Кечаги йиғилишдаги маърузангиз ҳатто бирлашамиз бошлиғини ҳам қойил қолдирди. Ўзингиз ҳам роса илҳом билан жўшиб ўқидингиз-да. Фақат нотикгина эмас, ёзувчи ҳам эканлигини билмай юрган эканмиз. Сўзларини ҳам садафдай териб ташлабсиз. Э, қойил-е... Хуллас, бу муваффақиятингиз учун энди катгароқ эримасангиз бўлмайди...

Сўхбатдошлардан иккинчиси гап жловини илб кетди:

— Ишинг қўзини биладиган одам-сиз-да, ака. Келинг, очикчасига гаплашайлик. Эшитишимизга қараганда, ҳисоботу маърузалар ёзишни қотириб ташлайдиган мизангиз бор эмаси. Илтимос, ака, бизга ҳам ана шундай беминнат дастурлардан топиб берсангиз. Шояд биз ҳам елкамизга оғдот тегиб, сизга ўхшаб катталарнинг назарига тушсак.

Навбатдаги сўхбатдош унинг фикрини маъқуллади:

— Ҳа, ҳа, сизга ўхшаб биз ҳам беминнат дастурга мўжозми...

Сўхбатдошларнинг таъжирона сўзлари шулардэн ҳам эзилб ўтирган Наби-



жан боладай ўнғайсизланиб турган Набижоннинг саломига парво ҳам қилмай, сизгирет бурқситиб викор билан ўтиб кетишди.

Иzzат-нафис ҳақоратланган, руҳан эзилган Набижон бошлиқнинг кабинетига истар-истамас қадам қўйди. Бошлиқ ҳар галидек «уй-жойлар қалай»дан кейин дарҳол мақсадга қўчди:

— Яшанг, ука, кечаги маърузамиз олдинларидан ҳам ўтказиб қиймага етказган экансиз. Ҳатто бирлашамиз раҳбарининг шахсан ўзлари ҳам уч-тўрт жойида чапак билан сийладилар. Эрталаб кўнгирак қилиб, ўзларининг ҳам қичкинагина маърузачасини эртагача қўриб беришимизни илтимос қилдилар. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Уларнинг суҳналарини қолар қолдириш одобдан эмас. Керак бўлса, уларнинг илтимосини буйроқ деб ҳам тушуниш мумкин. Бу - биринчиси. Мана буниси эса бизнинг шахсий илтимосчамиз. Тойчоқларимиздан бири олим бўлишни ният қил-

Ўтганларнинг охирати овод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Кенгаш райсининг ўринбосари Нормамат Қаршиевин Аллаёровга падири бузруқвори

Карши отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Сурхондарё вилояти тармоқ кенгаши Шеробод туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси райси Шарофат Раҳмоновага онаси

ХУРСАНД аянинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИШОНЧ НАФ КЕНГАШИ
О.К.У.Ф. П.Т.У.У.
ОТИН БАКТ

Muassis:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib),
Ma'mura ABULOVA,
Mirzohir SODIQOV,
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oqsulov MAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESOMBAYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyuşmalari haqoti 250-87-83
Huquq va xalqaro haqot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-75
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-83-88

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:
133; 134

Nashrchi muharrir:
T.Shernayev

Nashrchi:
A. Abdiev
Musahhir:
N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchilar:
H.Abdullajlov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmamasida chop etildi.
Korxonamanzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

Ўzbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tjorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 01.40

Buyurtma Г - 914
10671 nusxada bosildi
2 3 4 5 6 7 8